




Хуррам Хасаки Султон (усмонийчатур ,هürrem Haseki Sultan), Европада
Роксолана
исми билан машхур

(л
отинча,
Roxolana;
хакикий исми маълум эмас

,
адабий анъаналара кўра

,
тугилгандаги исми
Анастасія

ёки
Алекс

а
ндра Гавриловна Лисовская;
тахминан

. 1502

[\[1\]](#)

ёки

1505

[\[2\]](#)

— 15

ёки

18 апрел 1558

[\[3\]](#)

)

– Сулаймон Конунийнинг жорияси, сўнг аёли, хасаки, султон Салим

II

онаси.

Насл-насаби

Хуррамнинг келиб чиқиши хақида маълумотлар жуда кам. Харамга келиб тушишига кадар бўлган ҳаёти хақида ҳеч қандай ҳужжатли, ёзма ишончли манба йўқ. Унинг келиб чиқишига оид маълумотлар асосан бадий тўқима асарларда ҳамда гарб манбаларига асосланади [\[4\]](#). Замонавий тадқиқотларда ҳам унинг ёшлиги хақида ҳеч қандай маълумот йўқ, фақат унинг келиб чиқиши руслардан экани айтилади. [\[5\]](#)

XVI асрда Буюк Литва князлигининг Крим хонлигидаги элчиси Михалон Литвин, ўзининг 1548-1551 йил ёзган “Татарлар, литваликлар ва москваликлар ахлоқи”

[\[6\]](#)

, деб номаланган асарида куллар савдоси хақида зикр қилиб, “ҳозирги турк султонининг сеvimли хотини ҳамда валиҳад шахзоданинг онаси бизнинг ерлардан ўғирлаб кетилган” деб ёзган.

[\[7\]](#)

1621—1622 йилларда усмоний султон ҳузурига ташриф қилган Речи Посполита элчилигини аъзоси, шоир Самуил Твардовскийнинг ёзишича, унга турклар Роксалана Рогатиналик [\[8\]](#) православ рухонийнинг кизи эканини айтишган экан. [\[9\]](#) Галина Ермоленконинг таъкидлашича, Твардовский хабари татарлар тарафидан ўғирлаб кетилган ва султон харамига сотилиб юборилган Рогатиналик Настусенька исмлиқ соҳибжамол киз хақидаги буковинанинг қадимий халқ қўшиқлари билан ҳам тасдиқланади.

[\[10\]](#)

Султон харомига тушишдан олдинги ҳаёти хақида тафсилотлар XIX аср адабиётларида ҳам пайдо бўлди. Полша адабиётида, унинг хақиқий исми Александра бўлгани ва у Рогатиклик рухоний Гаврила Лисовского [\[11\]](#) нинг кизи бўлганлиги айтилади. XIX аср

Украина адабиётида унинг исми Анастасия

[\[12\]](#)

экани айтилади. Бу талкинни совет тарихчилари ҳам қабул қилган.

[\[13\]](#)

Михаил Орловскийнинг «Роксоланами ё Анастасия Лисовская» [\[14\]](#), деган тарихий асаридаги талкинига кўра, Роксолананинг Рагатинадан эмас, балки Чемеровец

[\[15\]](#)

дан экани айтилади.

[\[16\]](#)

Хуррам Европада Роксолана исми билан машҳур бўлган. Бу исм 1589 йили Парижда нашр қилинган латин тилидаги “Туркия қайдномаси” [\[17\]](#) да Муқаддас Рим империясининг Усмоний султонлигидаги элчиси Огер Гизелин де Бусбек тарафидан ўйлаб топилган.

Бу асарда у Хуррамнинг ҳозирги ғарбий Украинаданлиги, исми эса Роксолана бўлганини XVI асрда Реч Посполитадаги бу ҳудудлар Роксолания [\[18\]](#) деб номлангани билан асослаган.

[\[19\]](#)

Султон рафикаси

Крим татарларининг босқинларининг бирида асирга олинган киз Сулаймонга ҳадя қилинади. Ҳарамга тушган Роксолана Исломга қиради ва Хуррам деб янги исм олади. Жуда оз муддат ичида Хуррам султоннинг диққатини ўзига жалб қила олади. Сулаймоннинг бошқа маъшуқаси шахзода Мустофаннинг онаси, Мохидаврон султонни Хуррамдан рашк қила бошлади. [\[20\]](#) 1533 йили Венециянинг элчиси Бернардо Навагеро ҳам ўз ҳисобатида Мохидаврон ва Хуррам ўртасидаги жанжални ёзиб қолдирган.

[\[21\]](#)

1521 йили Сулаймоннинг уч фарзандидан икkitаси вафот килди. Ягона валиахд шахзода бўлиб Мустофо колади. Ўлим хавфи юкори бўлиб турган шароитларда бу ҳолат сулола учун хавфли, хатарли эди. Шунинг учун ҳам Хуррамнинг шахзодаларни дунёга келтириши, унга саройда керакли кўллаб-куватлашга эга бўлишига имкон берди. Султоннинг янги маъшукаси билан Мохидаврон ўртасидаги низони Сулаймоннинг онаси Хафса султон босди-босди килиб турар эди. 1521 йили Хуррам Мехмед, деб исм олган ўғлонни дунёга келтирди. Бир йилдан сўнг эса, Михримах исмли кизни дунёга келтирди. Ундан кейин тугилган Абдуллох уч ёшида вафот килган. 1524 Салим тугилди. Кейинги йил эса, Боязид дунёга келди. 1531 йили энг охирги ўғли бўлган Жахонгирни тугди. [\[22\]](#)

1534 йили волида султон вафот килди. Бундан бир йил олдин, 1533 йили Хуррамнинг азалий ракибаси Мохидаврон балогатга етган ўғли Мустафо билан Манисга жўнаб кетди. 1536 йили вазири аъзам Иброхим пошо султон Сулаймон буйругига кўра катл килиниб, мулки мусодара этилди. Волида султоннинг ўлими ва вазири аъзамнинг катл этилиши Хуррамнинг ўз иктидорини кучайтириш учун йўл очди.

Хафса ўлиmidан сўнг, Хуррам хали унгача ҳеч ким эришмаган нарсаларга эришишига муваффақ бўлди. У расман Сулаймон рафикаси бўлиб олди. Султоннинг жорияга уйланишини ман киладиган ҳеч қандай қонун бўлмаса ҳам усмонийлар саройи бунга қарши бўлди. Ўшанда ўсмоний султонлигида “қонун” ва “анъана” бир сўз – “қонун” деб аталар эди. [\[23\]](#) Никох валиймаси, дабдабали бўлган бўлиши мумкин, бироқ бу ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Эҳтимол тўй 1534 йили бўлиб ўтган, бироқ аниқ сана маълум эмас. [\[24\]](#) Хуррамнинг ўзига ҳос ҳолатга эга бўлиши, султон Сулаймон тарафидан у учун махсус берилган ҳасаки унвонидан ҳам билинади. [\[25\]](#)

Жуда кўп вақтини сафарда ўтказадиган султон Сулаймон, саройда бўлаётган нарсаларни фақат Хуррам макублари орқали воқиф бўлар эди. Султоннинг Хуррамга бўлган муҳаббати ва соғинчи ифода қилинган мактублари сақланиб қолган. [\[26\]](#) Хуррам сиёсий масалаларда ҳам маслаҳатчи бўлган. Лесли Пирснинг айтишича Сулаймон аввалги босқичда онаси билан ёзишма хатларидан маълумот олиб турган, чунки Хуррам султон у вақтларда тилни яхши билмаган. Хуррамнинг аввалги мактублари расмий идора услубида ёзилгани ҳам саройдаги қотибларнинг бири ёрдамида ёзилганидан дарак беради. [\[27\]](#)

Ўз даврининг илмли аёлларидан бўлган Хуррам Хасаки Султон хорижий мамлакат элчиларини ҳам қабул қилган, чет эл ҳукмдорларининг ва бошқа давлат арбоблари, рассомлари мактубларига ҳам жавоб берган. Унинг ташаббуслари билан Истанбулда бир нечта масжид, ғаммом ва мадрасалар қурилган.

Эдирнадан қайтгач, биров муддат ўтиб, 1558 йили 15 ёки 18 апрел куни узок давом этган касаллик ёки захарланиши оқибатида Хуррам Султон вафот қилади. Бир йил ўтиб унинг жасади Меъмор Синон тарафидан қурилган саккиз бурчакли мухташам макбара ичига олиб ўтилади. Хуррам қабри Сулаймон қабри яқинида Сулаймания масжидининг чап тарафида жойлашган. Хуррам мақабараси ичида, султон Сулаймон синглиси Хадича султон кизи Ханим Султон қабри ҳам бор.

Фарзандлари

Хуррам султонга 6 та фарзанд туғиб берган [\[28\]](#) :

Ўғиллари:

Меҳмед (1521—1543)

Абдулла (1523—1526)

Салим (28 май 1524 — 13 декабр 1574)

Боязид (1525 — 25 сентябр 1561)[26]

Жахонгир (1531—27 ноябр 1553)

Кизи:

Михримах (21 март 1522— 25 январ 1578)

Сулаймон Конуний ўғилларидан факат Салимгина отасининг ўлимини кўрди. Колганлари, хусусан Мустафо ҳам, тахт учун курашда ўлиб кетди. (Мехмеддан ташкари, у 1543 йили вафот килган). Баъзи тадқиқотчиларга кўра, у кора чечакдан [\[29\]](#) ўлган, бошқа талкинга кўра, у ўз ўлими

[\[30\]](#)

билан вафот килган.

[\[31\]](#)

Ривоятларга кўра, Мустофанинг ўлимига айнан Хуррам султон фитналари сабаб бўлган: тахтга ўзининг ўглини чиариш учун, отасини унга қарши қайраган. Сулаймон Конунийнинг буйругига

[\[32\]](#)

кўра, Мустафо бўғиб ўлдирилган. Укаси Жохонгир акасининг ўлмидан каттик изтироб, қайғу-хасрат сабабли дунёдан кўз юмагани хақида ривоятлар бор.

Боязид акаси Салимни ўлдириш режаси мувоффақиятсизлигидан сўнг, ўзига тегишли 12 минг одам билан Эронга қочади. У усмонийлар султонлиги билан уруш ҳолатида бўлган Эрон тарафига ўтиб кетиши соткинлик деб эълон қилинади. Кейинрок, султон Сулаймон Конуний Форслар билан тинчлик сулҳини тузади ва Эрон шоҳи Тахмас I билан 4 000 олтин танга эвазига Боязид тарафдорларини ўлдиришга, ўзини эса фарзандлари билан (кичик ўгли уч ёшда бўлган) султон элчиларига топшириш бўйича қелишади. Сулаймон ўз ўглини ўлимга ҳукм этади. 25 сентябр 1561 йили ҳукм ижро қилинади.

Тарихдаги ўрни

Тарих фани профессори, султон харами бўйича асарлар муаллифи Лесли Пирс, Хуррамгача султонларнинг маъшукалари маъшука-махбуба ва тахт учун валийахд шахзода онаси бўлиш каби иккиата вазифани адо қилиши керак эди, деб таъкидлайди. Ўгил туккач, аёлнинг маъшукалиги қолмас эди. У ўгли билан маълум бир вилоятга бориб, шахзода отасининг ўрнини эгаллаганича, шу ерда қолиб тарбияланиши лозим эди. [33] Хуррам эса, ҳар иккала вазифанинг урдасидан чиққан биринчи аёл эди. Бу эса ўз-ўзида анъалар таъсирида бўлган сарой ахлининг каттик қазабини келтирар эди. Унинг ўғиллари балогатга етгач, у фарзандлари билан маълум вилоятга бирга бормади, балки пойтахтда қолди.

[34]

Айнан шу билан Хуррам атрофида пайдо бўлган салбий тасаввурларни изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари у яна бир усмоний султон саройининг битта маъшука битта фарзанд қўриши мумкин, деган одатини бузди. Замондошлари Хуррамнинг бу нарсаларга қандай эришганига изоҳ топа олмади, Сулаймонни сеҳрлаб олган дейишар эди.

[35]

Маккор ва риё параст образи баъзи ўзгаришлар билан ғарб тарихчиларининг қитобларига ҳам қўчиб ўтган.

Маданиятдаги ўрни

Ўз фарзандлари билан бирга яшайдиган, ўз вилоятларида қурилиш ишларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган, ўзидан олдингилар ҳамда бошқа шахзодаларнинг онаридан фарқли равишда Хуррам Усмоний султонлигининг йирик шаҳарлари ҳамда Истанбулда диний ва хайрия ишлари учун иншоотларни қуриш ҳуқуқига эга бўлди. У ўз номи билан аталган жамғармани ташкил қилди. [36] Мазкур жамғармага тушган маблағлар ҳисобидан Ок Сарой ҳудудида аёллар (хасаки) бозори қурилди.

[37]

Булар ичида масжид, мадраса, бошланғич мактаб, шифохона ва фонтан бор. Бу Истанбулда бош меъмор ловозимини эгаллаган меъмор Синон тарафидан қурилган, катталиги жихатидан, Мехмат II (тур. Fatih Camii) ва Сулеймание (тур. Süleymanie) комплексларидан кейин учинчи ўринда турган. Яна бошқа кўп хайрия ва диний иморатларни ҳам қурилишига сабабчи бўлган.

Интернет маълумотлари асосида Абу Муслим тайёрлади

[1] *Смирнов Н. А.* Россия и Турция в XVI—XVII вв. (в двух томах). — Т. 1. — М.: МГУ, 1946. — С. 60.

[2] *Гавришков Б. М.* [Славянская тематика в произведениях Лессинга](#) // Советское славяноведение. — 1982. — № 6, ноябрь-декабрь. — С. 93. — ISSN 0132-1366

[3] *Bonnie G. Smith* [The Oxford Encyclopedia of Women in World History: 4 Volume Set](#) . — Oxford University Press, 2008. — Т. 4. — P. 517. — 2752 p. — [ISBN 0195148908](#) , 9780195148909

[4] Roxolana in European Literature... — P. 1.

[5] *Yermolenko G.* Roxolana: «The Greatest Empresse of the East». — P. 234.

[6] (лотинча, De moribus tartarorum, lituanorum et moscorum)

[7] *Михалон Литвин.* [О нравах татар, литовцев и москвитян](#) / Пер. [А . Л . Хорошевич](#) . — М., 1994. — С. 72.

[8] Хозир Ивано-Франковской вилоятида)

[9] *Yermolenko G. Roxolana: «The Greatest Empresse of the East»*. — P. 234.

[10] *Yermolenko G. Roxolana: «The Greatest Empresse of the East»*. — P. 234.

[11] *Abbott E. A history of mistresses*. — HarperFlamingoCanada, 2003. — 510 p. — P. 53.

[12] *Roxolana in European Literature...* — P. 49.

[13] Український радянський енциклопедичний словник: В 3-х т. Т. III. / За ред. М. Бажана. — 1-е вид. — К.: Головна редакція Української радянської енциклопедії. — 1968. — С. 162.

[14] *Орловский М. Я. Роксолана или Анастасия Лисовская: Ист. повесть*. — Каменец-Подольский: Тип. Подол. губерн. правления, 1883.

[15] Хмельницький вилоти

[16] *Василевский М. [Где родилась Роксолана?](#)* // День: Ежедневная всеукраинская газета. — № 124, четверг, 14 июля 2005.

[17] лот. *Legationis Turcicae epistolae quatuor IV*

[18] Страбон зикр килиб ўтган Кора денгиз шимолидадиги роксолан кабилари истикомат киладиган худудлар

[19] *Roxolana in European Literature...* — P. 272.

[20] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 55.

[21] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 59—60.

[22] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 60.

[23] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 61.

[24] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 62

[25] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 58.

[26] Будучи поэтом, султан посвящал Роксолане любовные стихи на персидском и арабском языках. Некоторые из них сохранились. См. *Roxolana in European Literature...* — P. 5.

[27] *Peirce L. P. The Imperial Harem...* — P. 63—64.

[28] *Yermolenko G. Roxolana: «The Greatest Empresse of the East».* — P. 233.

[29] Öztuna, Yılmaz. *Kanuni Sultan Süleyman. Babıali Kültür Yayınları*, 2006. s. 174—189

[30] Uzunçarşılı, İsmail Hakkı (1951, yeni ed. 1998), *Osmanlı Tarihi: İstanbul'un Fethinden Kanunî Sultan Süleyman'ın Ölümüne Kadar*

, Ankara:Türk Tarih Kurumu Yayınları

[31] Бирок баъзи манбаларга кўра у ҳам тахт қурбони бўлган.

[32] [Терещенко А. В.](#) Быть русского народа. — Ч. II. — СПб.: Тип. Министерства внутренних дел, 1848. — с. 5.

[33] *Peirce L. P.* The Imperial Harem... — P. 88—89.

[34] *Peirce L. P.* The Imperial Harem... — P. 61.

[35] *Peirce L. P.* The Imperial Harem... — P. 63.

[36] Külliye Hasseki Hurrem

[37] Avret Pazarı